

киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш; Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш; сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш. Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар: Истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун; захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истеъмолчини Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавкулотда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди. Электр энергия таъминоти корхонаси узи билан боғлиқ бўлмаган вазиятлар оқибатида мавжуд булган чеклашлар киритилганда, “электр қурилмаларини тузилиши қоидалари”нинг 1.2.18, 1.2.19 ва 1.2.20 бандларига асосан истеъмолчилар томонидан электр таъминоти ишончлилиги тоифаси (категория)га тугри келмаган (лойиха талаблари бажарилмаганда) ҳолда истеъмолчиларда киритилган даъво ва талаблари бўйича келиб чиқадиган низолар бўйича истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабр гача бўлган муддатга тузилади. Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди ва кейинги ойдан кучга киради. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шarti билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг вақолатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январда 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.